





## Ислом Нури

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

«...» «...» :«...»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рибони еювчини ҳам, рибо берувчини ҳам, котиби-ёзиб қўювчини ҳам, гувоҳларини ҳам лаънатладилар ва «Улар барчаси (гуноҳда) баробардир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

### Шарҳ:

Рибо – кишини ҳалокатга олиб боровчи гуноҳи кабиралар жумласидан бўлиб, Аллоҳ таоло судхўрни дўзах азоби билан огоҳлантирган ва судхўрликни ташламаган одамга Аллоҳ ва Расули томонидан уруш эълон қилинишини билдирган. Чунки, судхўрликда ҳожатманд ва камбағал кишиларнинг муҳтожлигидан фойдаланиб, уларга зулм ўтказиш бор. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам судхўрларни лаънатлаганлар.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Судхўрлик ҳаром ва ҳалок қилувчи гуноҳи кабиралардан;
2. У баракани ўчиради, уни ейишда давом этувчи кимса Аллоҳ ва



Расулининг душманидир;

3. Судхўрлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларида лаънатланганлар.